



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “23 ” mart

Қ-166 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви
худудидан “AFSONAVIY LIDIR” МЧЖга
енгил конструкцияли “Иссиқхона” куриш
учун ва сабзаот экинлари экиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 11 январдаги 05-02/29-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2020 йил 02 декабрдаги 346/01-19-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви худудидан “AFSONAVIY LIDIR” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 183-дала контуридаги жами 3,1 гектар бўз ер майдони, шундан 1,1 гектарига енгил конструкцияли “Иссиқхона” ташкил этиш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва 2,0 гектарига сабзаот экинлари экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “AFSONAVIY LIDIR” МЧЖ бошлиғи А.Уруновга:
иссиқхона учун ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона куриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов